

ТРАНСПОРТ ЛОГИСТИКАСИНИНГ ТУРЛАРИ, ШАКЛЛАНИШИ ВА ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧЛАРИ ТАРИХИ

Тоштемиров Шахбоз

Термиз давлат университети
Тарих факултети Этнология, этнография
ва антропология 2-курс магистранти

Аннотация: Мустақиллик йиллари республикада транспорт тизимини модернизациялаш, хизмат турларини эркинлаштириш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш, хавфсизлик тизимларининг янги турларини яратиш борасида муҳим инновацион ўзгаришлар содир бўлди. Бу борада юқори малакали мутхассисларни тайёрлаш, замонавий хизмат учун ходимларни жалб этишга алоҳида аҳамият қаратилди.

Калит сўз: транспорт, темир йўл, логистика, Россия, Англия, Магистрал, трансчегара, лойиҳа.

Ўзбекистон тарихида транспорт тизимининг аҳамияти шундан иборатки, у аввалам бор халқимизнинг ўзлигини англашда, онгини ўсишида, маънавий соғлом фикрларнинг шаклланишида, хурофот, жоҳиллик, онгсизлик ва саводсизликни бартараф этишда, ривожланган давлатлар сингари юксак салоҳиётга эга бўлишга имконият яратиб берди. Транспорт соҳасида амалга оширилган ҳар бир ютуқ Ўзбекистон халқи, жумладан, Сурхон воҳаси аҳолиси ҳаётига ҳам янгиликлар киритиб, келажакка бўлган ишончини янада мустаҳкамлади.

Сурхон воҳасига транспорт соҳасининг кириб келишига қўйидагилар сабаб бўлди. Биринчидан, воҳада хомашё бойликларининг ниҳоят даражада кўплиги; иккинчидан, ушбу имкониятлардан тўлақонли фойдаланмаётган маҳаллий ҳукмдорлар, иқтисодий тизимни бошқарувчи соҳа ходимларининг ўзбошимчалиги, солиқларни инсофсизларча ундирилиши; учинчидан, Ўрта Осиё масаласида Россия-Англия зиддиятларининг кучайиши, Ҳинд океанига чиқиш учун рус мустамлакачилик сиёсатининг ҳаддан ташқари ошиб бориши, Россиянинг Амударё бўйлаб ўз мавқеини мустаҳкамлаши эди.

Туркистондаги илк темир йўл 1880 йил ноябрдан 1886 йил декабрга қадар қуриб битказилган бўлиб, Красноводск ва Чоржўй шаҳарларини

боғлади. 1888 йил май ойида Амударё орқали 2,7 км узунликдаги ёғоч кўприк қурилиб, ишга туширилиши натижасида темир йўл Самарқандгача олиб келинди. Кейинчалик темир йўл қурилиши 1895–1897 йилларда Урсатьевская (Ховос) станциясидан Қўқонгача давом эттирилди. 1899 йили темир йўл Тошкентга етказилиб, Самарқанд–Андижон темир йўллари билан бирлаштирилди.

1899 йил 16 июнда рус ҳукуматининг махсус мажлиси бўлиб, унда Туркистонга янги темир йўл ўтказиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Аммо молия вазири ва ҳарбий вазир келиша олмаганлиги туфайли, масала очиқ қолдирилди. 1900 йил 4 апрелда Петербург шаҳридаги мажлисда “Ўрта Осиё темир йўл магистрали ўтказишнинг энг маъқул йўналиши» муҳокама қилинди. Ушбу лойиҳа Россия Алоқа йўллари вазири Г.Хилков томонидан қайта кўриб чиқилди ва тасдиқланди. Бу лойиҳани кўриб чиққан подшо Николай II лойиҳага ўз қўли билан: “Умид қиламанки, биз ушбу муҳим иншоотни тезда ва асосли равишда амалга оширишга эришамиз”, – деб ёзиб имзо қўйди.

1901 йил 21 апрелда Оренбург–Тошкент темир йўли қурилишига рухсат берилди. 1906 йил январда эса Тошкент–Оренбург темир йўл (Тошкент темир йўли) ишга туширилди. Россия ҳукумати темир йўл қурилишига алоҳида эътибор бериб, Туркистонни ягона темир йўл узелига бирлаштиришга жиддий киришди. Натижада 1907 йил Когон–Бухоро, 1913–1916 йилларда Фарғона ҳалқа темир йўлининг Қўқон–Наманган–Андижон қисми, 1913–1915 йилларда Когон–Амударё станцияси ва Қарши–Китоб шохобчалари қурилди. 1917 йилга келиб ҳозирги Ўзбекистон ҳудудидаги темир йўлларнинг умумий узунлиги 1,1 минг км ни ташкил этди.

Бухоро–Термиз темир йўлини қуриш бўйича лойиҳа ишлари махфий тарзда бошланиб, Туркистон генерал-губернаторлиги бўлими томонидан 1910 йил 4 мартда 74–сонли хат йўлланди. Унда Россия Генерал штаби Бош бошқармаси бошлиғи ва ташқи ишлар вазирлигига Бухоро–Қарши ҳамда Сурхон воҳаси йўналишида қурилиши зарур бўлган темир йўл бўйича 130–сонли лойиҳани тезлик билан амалга ошириш чорасини кўриш топширилди.

Лойиҳада Бухоро–Қарши оралиғида 164 верст темир йўл линиясини қуриш туфайли, Россиянинг иқтисодиётини яхшилаш, Бухоро–Қарши оралиғидаги ерларни ўзлаштириш, муҳим иқтисодий иншоотларни қуриш асосий мақсад қилиб олинди. Шунингдек, Қарши–Шеробод–Термиз оралиғида темир йўл қурилиши лойиҳасини ишлаб чиқиш, қулай, қисқа, арзон темир йўл линиясини яратиш бош масала эканлиги

таъкидланди. Қарши–Шеробод йўлида баланд тоғлар, тўсиб турган дараларни ҳисобга олиб, 207 верстни ташкил этувчи Қарши–Келиф темир йўлини қуриш, ундан 82 верстли Келиф–Шеробод ва 54 верстли Шеробод–Термиз темир йўлини ишга тушириш режаси қайд этилди. Ушбу темир йўл режаси асосида 343 верст Қарши–Термиз темир йўлини қуриш учун мўлжалланган лойиҳани ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш жуда муҳим масала эканлиги таъкидланган. Россия ҳукумати томонидан бу долзарб масалага эътибор тобора кучайди. Шунинг учун ҳам янги-янги ҳужжатлар қабул қилинди. Масаланинг сиёсий ва иқтисодий томонига алоҳида эътибор қаратилди.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Народное хозяйство Узбекской ССР в 1965 году. –Ташкент: Узбекистан, 1966. –С. 431.
2. Народное хозяйство Узбекской ССР за 70 лет советской власти. –Тошкент: Узбекистан, 1987. – С.334.
3. Узбекистан за годы восьмой пятилетки (1966-1970 гг.). – Ташкент: ЦК КП Узбекистана, 1971. – С.160.
4. Абдурахимова М. Рустамова Г. Колониальная система власти в Туркестане во второй половине XIX – I четверти XX вв. –Ташкент: Университет, 1999. – С. 163.
5. Абдушукуров Т., Заидов М.А. Некоторые проблемы повышения производительности труда в промышленности Узбекистана. –Ташкент: Узбекистан, 1970. – С. 385.
6. Х. Хидиров “ЎЗБЕКИСТОНДА ТРАНСПОРТ СОҲАСИ: НАТИЖАЛАР ВА МУАММОЛАР (XX АСРДА СУРХОН ВОҲАСИ МИСОЛИДА)” Термиз: 2021С 19-23
7. Rahmonov, M. (2023). TRADITIONAL LIFESTYLE OF THE TOKCHI PEOPLE OF SURKHAN OASIS. *Modern Science and Research*, 2(4), 720-722.
8. Rahmonov, M. (2023). Surxon vohasi toqchi qavmlari hududiy joylashuvining ilmiy tahlili. *Марказий Осиё тарихи ва маданияти*, 1(1), 341-344.
9. To'Rayev, S. G. O. G. L., & Raxmonov, M. X. O. G. L. (2022). BX KARMISHEVA TADQIQOTLARIDA SURXON VOHASI YUZ URUG'LARINING ETNIK TAVSIFI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(1), 43-51.
10. Habibullo o'g'li, R. M. (2023). SURXON VOHASI TOQCHI QAVMINING AN'ANAVIY TURMUSH TARZI.

11. Dulanov, O. (2023). TYPES OF FARMING OF HUNDREDS (JUZ) INHABITING THE SURKHAN OASIS. *Modern Science and Research*, 2(9), 161-165.
12. Qarshiyev, I. (2023). CLOTHES ARE A MATERIAL SOURCE THAT SPEAKS OF THE PAST. *Modern Science and Research*, 2(4), 741-745.
13. ХОЛМУМИНОВ, Х. Э., & ЭШМУМИНОВ, О. З. (2022). ПРОБЛЕМЫ В СОЦИАЛЬНОЙ ЖИЗНИ ПЕРЕСЕЛЕННОГО НАСЕЛЕНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ (1925-1941 ГГ.). БЮЛЛЕТЕНЬ НАУКИ И ПРАКТИКИ Учредители: Овечкина Елена Сергеевна, 8(1), 286-289.
14. Raimov M. BOUT THE HISTORY OF THE INDEPENDENCE OF TERMIZ FROM THE CHIGATOY SHARE //Modern Science and Research. – 2023. – Т. 2. – №. 5. – С. 1150-1154.
15. Safar o'g'li, R. M. (2023). TERMIZNING CHIG 'ATOY ULUSI TARKIBIDAN MUSTAQILIKKA CHIQISH TARIXI HAQIDA.
16. Choriyev, S. H. (2023). CULTURAL LIFE IN SURKHANDARYA IN THE YEARS AFTER THE SECOND WORLD WAR. *Modern Science and Research*, 2(9), 283-286.
17. Radjabova, Sabohat. "WOMEN'S HEALTH PROTECTION IN STATE PROGRAMS." *Modern Science and Research* 2.5 (2023): 285-289.